фаол моддалар: 100% моддага қайта ҳисобланганда - 10 мг эналаприл малеати, 100% моддага қайта ҳисобланганда – 12,5 мг гидрохлоротиазид;

ёрдамчи моддалар: лактоза моногидрати, картошка крахмали, повидон, кальций стеарати.

Таърифи: оқ ёки оч-сарик тусли оқ рангли, ясси юзали, фаскали ва рискали ёки рискасиз бўлган таблеткалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Ангиотензинга айлантирувчи фермент (ААФ) ингибиторларининг мажмуавий препаратлари. Эналаприл ва диуретиклар.

АТХ коди: C09BA02

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Дори воситаси ўзида ангиотензинга айлантирувчи фермент ингибитори (эналаприл малеати) ва диуретик (гидрохлоротиазид) нинг мажмуасини намоён этади.

Ангиотензинга айлантирувчи фермент (ААФ) – бу ангиотензина I ни прессор модда (субстанция) ангиотензин II га айланишини катализловчи пептидил дипептидазадир. Сўрилганидан кейин эналаприл ААФ ни ингибиция қилувчи эналаприлатгача гидролизга учрайди. ААФ ни сусайиши қон плазмасида ангиотензина II даражасини камайишига олиб келади, бу қон плазмасида рениннинг фаоллигини (ренин ажралиб чиққанида негатив қайтувчан боғлиқликни сусайиши туфайли) ошишига ва альдостерон секрециясини камайишига олиб келади

ААФ кининаза II билан бир хил. Эналаприл шунингдек кучли вазодепрессор пептид ҳисобланган брадикининни парчаланишини ҳам блоклаши мумкин. Бироқ эналаприлнинг терапевтик самараларида бу фактнинг роли номаълумлигича қолмоқда. Айни пайтда, эналаприлнинг артериал босимни пасайтирадиган механизми сифатида, энг аввало, артериал босимни бошқаришда асосий ролни ўйнайдиган ренин-ангиотензин-альдостерон тизимини сусайиши билан боғлайдилар, эналаприл ҳатто ренин даражаси паст гипертензияси бўлган пациентларда ҳам антигипертензив самарани намоён этиши мумкин.

Гидрохлоротиазид – бу қон плазмасида рениннинг фаоллигини оширувчи сийдик хайдовчи ва антигипертензив воситадир. Икки компонентнинг антигипертензив самаралари аддитив бўлиб, одатда 24 соат давом этади. Гарчи эналаприл гипотензив таъсирини ҳатто ренин даражаси паст гипертензияси бўлган пациентларда ҳам намоён этсада, бундай пациентларда гидрохлоротиазид билан бир вақтда қўлланиши артериал босимни кўпроқ пасайишига олиб келиши мумкин. Препаратдаги эналаприл компоненти, одатда гидрохлоротиазид томонидан чақирилган калийни камайишини сусайтиради.

Фармакокинетикаси

Эналаприл малеати

Перорал қўллангандан кейин эналаприл тез сўрилади ва 1 соат давомида қон зардобидида максимал концентрацияларига этади. Сийдик билан чиқарилиши кўрсаткичларига

асосланиб, эналаприлнинг сўрилиш ҳажми перорал қўлланганда тахминан 60-70% ни ташкил қилади.

Сўрилганидан кейин эналаприл ангиотензинга айлантирувчи ферментининг кучли ингибитори – эналаприлатгача тез ва экстенсив гидролизга учрайди. Эналаприлатнинг қон зардобидида максимал концентрациясига эналаприл малеати перорал қўлланганидан кейин 3-4 соатдан кейин эришилади. Эналаприл асосан буйрак орқали чиқарилади. Сийдикдаги асосий компонентлар дозанинг тахминан 40% ни ташкил қилувчи эналаприлат ва ўзгармаган ҳолдаги эналаприл ҳисобланади. Эналаприлатга айланишидан ташқари, эналаприлнинг жиддий метаболизм белгилари йўқ. Эналаприлатнинг қон зардобидида концентрациясининг профили узайган терминал фазаси билан характерланади, бу эҳтимол ААФ билан боғланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Буйрак функцияси нормал бўлган шахсларнинг қон зардобидида эналаприлат концентрациясининг мувозанат ҳолатига эналаприлни перорал қўлланишининг 4-чи куни эришилади. Эналаприлат кумуляциясини самарали ярим даври эналаприлни кўп марта перорал қўллангандан кейин 11 соатни ташкил қилади. Овқат қабул қилиш эналаприлни меъда-ичак йўлларида сўрилишига таъсир қилмайди. Эналаприлни сўрилиш ҳажми ва гидролизланиши тавсия қилинган терапевтик диапазон чегараларида турли дозалар қабул қилинганда ўхшаш бўлган.

Гидрохлоротиазид

Қон плазмасидаги даражаларини камида 24 соат давомидаги мониторингида қон плазмасидан ярим чиқарилиш даври 5,6-14,8 соатни ташкил қилган. Гидрохлоротиазид метаболизмга учрамайди, лекин буйрак орқали тез чиқарилади. Перорал қўлланганда дозанинг камида 61% 24 соат давомида ўзгармаган ҳолда чиқарилади. Гидрохлоротиазид йўлдош тўсиғи орқали ўтади ва гематоэнцефалик тўсиқ орқали ўтмайди.

Эналаприл/гидрохлоротиазид

Эналаприл ва гидрохлоротиазидни бир вақтда кўп марта қўлланиши бу препаратларнинг биокираолишлигига бироз ёки умуман таъсир қилмайди. Мажмуавий таблетка, бир вақтда қўлланилаётган унинг алоҳида компонентларига биоэквивалентдир.

Қўлланилиши

Мажмуавий даволашни қўллаш лозим бўлган пациентларда артериал гипертензияни даволашда қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Артериал гипертензияда.

Препаратнинг бошланғич дозаси – суткада 1 марта 1 таблеткани ташкил қилади. Агар исталган самарага эришилмаса, суткалик дозани суткада 1 марта 2 таблеткага ошириш керак. Максимал доза – суткада 2 таблетка.

Буйрак етишмовчилигида.

Буйрак функцияси бузилиши бўлган пациентлар учун, ўртача ёки оғир буйрак етишмовчилигида (креатинин клиренси даражаси минутига 30 мл ва ундан паст бўлганида) тиазидлар етарли самара кўрсатмасликлари мумкин.

Агар креатинин даражаси >30 дан <80 мл/мин гача диапазонда бўлса, Эналозид® 12,5 ни компонентларидан ҳар бирининг дозаси олдиндан танлагандан кейингина қўллаш керак.

Эналаприл малеатнинг алоҳида қабул қилинадиган тавсия қилинган бошланғич дозаси, буйрак фаолиятини енгил бузилишида 5 дан 10 мг гача дозани ташкил қилади.

Диуретиклар билан олдиндан даволаш.

Агар пациент диуретикларни қабул қилаётган бўлса, артериал босимни кескин пасайиб кетишидан сақланиш учун даволашни бекор қилиш ёки ҳеч бўлмаганда Эналозид® 12,5 билан даволаш бошланишидан 2-3 кун олдин диуретикнинг дозасини камайтириш тавсия қилинади. Симптоматик артериал гипотензия Эналозид® 12,5 билан даволашни бошида юз бериши мумкин, у кўпроқ диуретиклар билан ўтказилган илгариги даволаш сув-электролит балансини бузилишини чақирган пациентларда кузатилади.

Болалар

Препаратни болаларда қўллаш хавфсизлиги ва самарадорлиги аниқланмаган.

Ножўя таъсирлари

Энг кўп учраган ножўя реакциялар бош айланиши ва толиқишлик бўлган, улар одатда, дозани камайтирганда йўқолиб кетган ва дори воситасини бекор этишни кам ҳолларда талаб этган.

Бошқа ножўя реакциялар (1-2%): мушак тиришишлари, кўнгил айланиши, астения, ортостатик самаралар, жумладан артериал гипотензия; бош оғриғи, йўтал ва импотенция. Хусусан алоҳида эналаприл ёки гидрохлоротиазидни қўллаганда клиник тадқиқотлар вақтида ёки препаратни сотувга чиққанидан кейин пайдо бўлган ножўя реакциялар ҳақидаги хабарлар қуйида келтирилган.

Юрак қон-томир тизими томонидан: ноортостатик гипотензия, пальпитация, тахикардия, кўкрак қафасида оғрик.

Меъда-ичак йўллари томонидан: панкреатит, диарея, қусиш, диспепсия, абдоминал оғрик, пептик яралар, метеоризм, қабзият, оғизни қуриши, афтоз яралар.

Нерв тизими/рухий бузилишлар томонидан: синкопе, уйқусизлик, уйқучанлик, парестезиялар, бош айланиши, вертиго, толиқиш, ҳолсизлик, асабийлик, парез (гипокалиемиа оқибатида).

Нафас олиш аъзолари томонидан: диспноэ, аллергик альвеолит.

Тери томонидан: Стивенс-Джонсон синдроми, тошма, қичишиш, кучли терлаш, диафорез, фотосезувчанлик ёки бошқа дерматологик реакциялар.

Қон томонидан: гемоглобин даражасининг камайтилиши, гематокрит, тромбоцитлар ва лейкоцитлар миқдорини камайтилиши, кам ҳолларда – нейтропения, тромбоцитопения, бош миёна функциясини сусайиши.

Буйрак ва сийдик чиқариш йўллари томонидан: буйрак функциясини бузилиши, буйрак етишмовчилиги, протеинурия.

Репродуктив тизими томонидан: либидони пасайиши.

Метаболик бузилишлар: подагра.

Эшитиш аъзолари ва вестибуляр аппарати томонидан: кулоқларда шовқин.

Бошқалар: қуйидаги симптомларни: иситма, серозит, васкулит, миалгия/миозит ва артралгия/артрит, антинуклеар антителалар (АНА) га ижобий тест, СОЭ ошиши, эозинофилия, лейкоцитозни ўз ичига олувчи симптомокомплекс.

Юқори сезувчанлик реакцияси: кам ҳолларда юз, қўл-оёқлар, лаб, тил, товуш бойламлари ва/ёки ҳиқилдоқни ангионевротик шишлари ҳолатлари ҳақида хабарлар бўлган ("Махсус кўрсатмалар" бўлимига қаранг). Жуда кам ҳолларда ААФ ингибиторлари жумладан эналаприлни қўллаганда интестинал ангионевротик шиш ҳақида хабарлар бўлган.

Лаборатор кўрсаткичларни ўзгаришлари: гипергликемия, гиперурикемия, гипокалиемиа, қонда азоти ва мочевино даражасини ошиши, қонда зардобиди креатининни ошиши, қонда зардобиди жигар ферментлари ва/ёки зардоб билирубин даражасини ошиши. Бу симптомлар одатда, препаратни бекор қилганда қайтувчан характерга эга. Гиперкалиемиа, гипохлоремик алкалоз, гипомагниемиа, гиперкальциемиа, қонда холестерин ва триглицеридлар даражасининг ошиши ҳолатлари кузатилган.

Қуйидаги лаборатор кўрсаткичларга таъсири:

- препарат қон плазмасида йоднинг оксил билан боғланиш даражасини пасайтириши мумкин.

- препарат қон зардобиди эркин билирубин концентрациясини оширишга қодир.

- кальций тиазид алмашинувига таъсири туфайли, қалқонсимон без функциясини баҳолаш натижалари таъсир этиши мумкин, шунинг учун уларнинг функциясини баҳолашни ўтказишдан олдин препарат билан даволашни тўхтатиб туриш керак.

Препарат компонентларини алоҳида қўллаганда кузатилган қўшимча ножўя реакциялар ва Эналазид® 12,5 дори воситасининг потенциал ножўя самаралари бўлиши мумкин.

Эналарил.

Меъда-ичак йўллари томонидан: илеус, анорексия, таъм сезиш ҳиссини ўзгариши, стоматит, глоссит, кўнгил айниши.

Гепатобилиар тизим томонидан: жигар етишмовчилиги, гепатит (гепатоцеллюляр ёки холестатик), холецистит, жигар некрози, холестаз.

Нерв тизими/рухий бузилишлар томонидан: депрессия, онгни чалкашиши, уйқунинг бузилиши, аномал туш кўришлар, астения.

Нафас олиш аъзолари томонидан: ўпка инфильтратлари, бронхоспазм/астма, томоқда оғриқ ва овозни хириллаши, ринорея.

Юрак қон-томир тизими томонидан: юрак ритмини бузилишлари, стенокардия, ортостатик гипотензия, миокард инфаркти ёки инсульт (эҳтимол, юқори хавфли гуруҳ пациентларида ҳаддан ташқари артериал гипотензия оқибатида), Рейно феномени.

Тери ва шиллиқ қаватлар томонидан: фотосезувчанлик, алопеция, эритродермия, токсик эпидермал некролиз, кўп шаклли эритема, эксфолиатив дерматит, пуфакчалар.

Қон тизими томонидан: апластик ва гемолитик анемия, гипонатриемия.

Метаболик бузилишлар: гипокалиемия.

Бошқалар: кўришни хиралашиши, лимфаденопатия, олигурия, антидиуретик гормон секрецияси бузилиши синдромлари, мушак тиришишлари.

Гидрохлоротиазид.

Юрак қон-томир тизими томонидан: аритмия.

Гепатобилиар тизим томонидан: сариклик (жигар ички, холестатик), жигар некрози, холестаз, холецистит.

Меъда-ичак йўллари томонидан: анорексия, меъдада қўзғалувчанлик, сиалоденит, таъм сезиш ҳиссини ўзгариши, кўнгил айниши.

Метаболик бузилишлар: глюкозурия, гипохлоремик алкалоз (жигар энцефалопатияси ёки жигар комасини индукциялаши мумкин бўлган), гиперурикемия (подагра касаллиги симптомсиз кечган пациентларда подагра хуружларини қўзғатиши мумкин бўлган), гиперурикемия, глюкозага толерантликни пасайиши (яширин қандли диабетни авж олишига олиб келиши мумкин бўлган).

Қон тизими томонидан: лейкопения, агранулоцитоз, тромбоцитопения, апластик ва гемолитик анемия.

Иммун тизими томонидан: анафилактик реакция, эшакеми.

Тери ва шиллиқ қаватлар томонидан: фотосезувчанлик, некрозловчи ангиит (васкулит), токсик эпидермал некролиз.

Кўриш аъзолари томонидан: ксантопсия, кўришни транзитор бузилиши.

Нафас олиш аъзолари томонидан: респиратор дистресс (жумладан, пневмония ва ўпка шиши).

Нерв тизими/рухий бузилишлар томонидан: хавотирлилик, дезориентация, кайфиятни ўзгариши, озиб кетиш.

Лаборатор кўрсаткичларни ўзгариши: электролит дисбаланси (жумладан, гипонатриемия).

Бошқалар: иситма, интерстициал нефрит, мушак спазмлари, тиришишлар, чанқоқлик ҳисси, жинсий бузилишлар.

Хавфли, хавфсиз ва аниқланмаган ўсмалар (жумладан киста ва полиплар)

Учраш тезлиги номаълум: терининг немеланом раки (базал хужайрали карцинома ва ясси хужайрали карцинома).

Ажратиб олинган ножўя реакцияларнинг таъриф

Терининг немеланом раки: эпидемиологик тадқиқотлар маълумотлари бўйича терининг немеланом ракини юзага келиши гидрохлоротиазиднинг умумий дозасига (доза-самара биргаликда) боғлиқлиги кузатилган ("Махсус кўрсатмалар" бўлимига қаранг).

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- Эналаприл ва ангиотензинган айлантирувчи фермент (ААФ) бошқа ингибиторларига, гидрохлоротиазидга ва бошқа сульфониамид ҳосилаларига ёки дори воситасининг бошқа компонентларига юқори сезувчанликда.
- Анамнезида ангиотензинган айлантирувчи фермент (ААФ) ингибиторлари билан даволаш билан боғлиқ бўлган ангионевротик шиш мавжуд бўлганда.
- Наслий ёки идиопатик ангионевротик шиш.
- Буйрак функциясини оғир бузилишларида (креатинин клиренс камида 30 мл/мин ёки қон зардобидаги креатинин даражаси 265 мкмоль/л (3 мг/100 мл) га ошганда).
- Буйрак артерияларининг стенози.
- Гемодиализ ўтказилаётганда қўллаш мумкин эмас.
- Буйрак кўчириб ўтказилгандан кейинги клиник ҳолатда.
- Жигар функциясини оғир бузилишларида.
- Анурия, бирламчи гиперальдостеронизм.
- Даволашга резистент бўлган гипокалиемиё ёки гиперкалиемиё.
- Рефрактерли гипонатриемиё.
- Симптоматик гиперурикемиё (подагра).
- Ҳомиладорлар ёки ҳомиладорликни режалаштираётган аёллар ("ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланилиши" га қаранг).

Қандли диабет ёки буйрак функцияси бузилиши (калавалар филтрациясининг тезлиги (КФТ-(СКФ) <60 мл/мин/1,73 м²) бўлган пациентларда алискирен сақловчи препаратларни қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Эналаприл малеати ва гидрохлоротиазид

Бошқа антигипертензив препаратлар.

Бета-блокаторлар, метилдопа, кальций каналларининг блокаторлари билан ёндош қўлланганда препаратнинг гипотензив самарасини кучайтириши мумкин. Нитроглицерин, бошқа нитратлар ёки бошқа вазодилататор билан бир вақтда қўлланилиши артериал босимни қўшимча равишда пасайтириши мумкин.

Ганглиоблокаторлар ёки адреноблокаторларни эналаприл билан биргаликда фақатгина пациентнинг ҳолатини синчков кузатиш шарти билан юборилади.

Литий препаратлари

Диуретиклар ёки ангиотензинга айлантирувчи фермент (ААФ) ингибиторлари литийни буйрак клиренсига пасайтиради ва литийнинг интоксикация хавфини аҳамиятли оширади, шунинг учун бир вақтда қўллаш тавсия этилмайди.

Ностероид яллиғланишга қарши препаратлар (НЯҚП), шу жумладан ЦОГ-2 селектив ингибиторлари, ацетилсалицил кислот > 3 г/сут ва носелектив НЯҚП, ААФ ингибиторининг антигипертензив самараларини, диуретиклар ва/ёки бошқа антигипертензив препаратларнинг самараларини сусайтириши мумкин. НЯҚП жумладан ЦОГ-2 ингибиторларини қабул қилаётган буйрак функцияси бузилишлари бўлган айрим пациентларда (масалан, кекса ёшдаги пациентларда ёки дегидратация ҳолатидаги пациентларда, шу жумладан диуретиклар билан даволанаётган пациентларда) ангиотензин II рецепторларининг антагонистлари ва ААФ ингибиторлари билан бир вақтда қўлланганда, қон зардобиде калийнинг даражасини ошишига аддитив самарани чақиради, бу кейинчалик буйрак функцияси ёмонлашиши, жумладан ўткир буйрак етишмовчилиги ривожланиши мумкин. Шунинг учун препаратларнинг бундай мажмуасини буйрак функцияси бузилишлари бўлган пациентларда эҳтиёткорлик билан қўллаш керак. Пациентлар етарли миқдорда суюқлик истеъмол қилишлари керак. Ёндош даволашлар бошида ва бундай даволашлар давомида вақт вақти билан буйрак функциясини синчиклаб назорат қилиш керак.

Эналаприл

Калийни тежовчи диуретиклар ёки калийли қўшимчалар.

ААФ ингибиторлари калийни тежовчи диуретиклар чақирган гиперкалиемияни кучайтириши мумкин. Калийни тежовчи диуретикларни қўллаш (масалан, спиронолактон, эплеренон, триамтерен ёки амилорид), шунингдек калий сақловчи озуқа қўшимчалари ёки туз ўринбосарлари қон зардобиди калий даражасини сезиларли даражада ошишига олиб келиши мумкин. Агар гипокалиемия сабабли юқорида келтирилган воситаларни қўллаш кўрсатилган бўлса, қон зардобиди калий даражасини мунтазам аниқлаб уларни эҳтиёткорлик билан қўллаш керак (“Махсус кўрсатмалар” бўлимига қаранг).

Диуретиклар (тиазид ёки халқали диуретиклари).

Диуретиклар билан юқори дозаларда олдиндан даволаш эналаприл билан даволашнинг бошида қон айланиш ҳажмини пасайиши ва артериал гипотензияни ривожланиш хавфини ошишига олиб келиши мумкин (“Махсус кўрсатмалар” бўлимига қаранг). Гипотензив самарани диуретик қабул қилишни тўхтатиш, тузни истеъмол қилишни ошириш ёки даволашни препаратни энг кам дозаларда бошлаш йўли билан камайтириш мумкин.

Трициклик антидепрессантлар/ антипсихотик воситалар/наркотиклар.

Анестетиклар, трициклик антидепрессантлар ва антипсихотик воситаларни ААФ ингибиторлари билан бир вақтда қўлланиши кейинчалик артериал босимни пасайишига олиб келиши мумкин.

Олтин препаратлари.

Инъекцион олтин препаратлари (натрий ауротиомалати) ва ААФ ингибиторлари, шу жумладан эналаприл билан бир вақтда даволанган пациентларда нитрит реакцияларига ўхшаш якка реакциялар (вазодилатация симптомлари, жумладан қизиб кетиш юзни шиши, бош айланиши, кўнгил айланиши, қусиш ва артериал гипотензия) кузатилган.

ААФ ингибиторлари ва *mTOR* ингибиторларини (масалан, темсиролимус, сиролимус, эверолимус) биргаликда қабул қилганда ангионевротик шиш ривожланиш хавфини ошириши мумкин (“Махсус кўрсатмалар” бўлимига қаранг).

Симпатомиметиклар.

Симпатомиметиклар ААФ ингибиторларининг антигипертензив самарасини камайтириши мумкин.

Алкоголь.

Алкоголь ААФ ингибиторларининг гипотензив самарасини кучайтиради.

Антидиабетик препаратлар.

Эпидемиологик тадқиқотлар, ААФ ингибиторларини ва антидиабетик воситаларни (инсулинлар, перорал гипогликемик воситаларни) бир вақтда қўлланиши гипогликемияни ривожланиш хавфи билан қонда глюкоза даражасини пасайишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатади. Бундай самара, эҳтимол, буйрак функцияси бузилиши бўлган пациентларда ҳам ёндош даволашнинг биринчи ҳафталарида ўрин тутиши мумкин.

Ацетилсалицил кислотаси, тромболитилар ва бета-блокаторлар.

Эналаприлни ацетилсалицил кислотаси (уни тромболитик восита сифатида қўлаганда), тромболитик воситалар ва β -блокаторлар билан бирга эҳтиёткорлик билан қўллаш мумкин.

ААФ ингибиторлари ва ангиотензин рецепторлар антагонисти билан ёндош даволаш
Атеросклеротик касаллиги тасдиқланган, юрак етишмовчилиги ёки қандли диабетда нишон-аъзоларини шикастланиши бўлган пациентларда ААФ ингибиторлари ва ангиотензин рецепторларининг антагонистлари билан ёндош даволашлар ўтказилишида, худди шундайларга нисбатан фақат ренин-ангиотензин-альдостерон тизими препаратларини қўлаганда, артериал гипотензия, синкопе, гиперкалиемия ва буйрак функцияси ёмонлашиши (шу жумладан ўткир буйрак етишмовчилиги) ни юқори учраш тезлигида пайдо бўлиши билан ассоциацияланиши ҳақида хабарлар бўлган. Икки ёқлама блокада (масалан, ангиотензин II рецепторларининг антагонистлари билан ААФ ингибиторларининг мажмуаси) индивидуал аниқланган ҳолатлар билан чегараланиши ва

артериал босим, калий даражаси, буйрак функциясини синчков мониторинги ўтказиш билан кузатилиши лозим.

Гидрохлоротиазид

Қуйида кўрсатилган дори воситалари тиазид диуретиклар билан қўлланганда ўзаро таъсир юз бериши мумкин:

Қутбсизлантормайдиган миорелаксантлар (масалан, тубокурарин).

Миорелаксантлар таъсирига сезувчанликни кучайтириши мумкин.

Алкоголь, барбитуратлар, наркотик аналгетиклар.

Ортостатик гипотензияни потенциаланиши юзага келиши мумкин.

Антидиабетик препаратлар (перорал диабетга қарши воситалар ва инсулин).

Тиазидлар билан даволаниш фонида глюкозага толерантлик пасайиши мумкин. Дозага тузатиш киритишга эҳтиёж туғилиши мумкин. Метформинни, гидрохлоротиазид қабул қилиш билан боғлиқ буйрак етишмовчилиги эҳтимоли оқибатида, лактатацидоз юзага келиш хавфи туфайли эҳтиёткорлик билан қўллаш керак.

Холестирамин ва колестипол қатронлари.

Анион-алманишувчи қатронлар гидрохлоротиазидни сўрилиши камайтириши мумкин. Холестирамин ва колестипол қатронлари препаратининг бир марталик дозаси меъда-ичак йўлларида гидрохлоротиазид сўрилишини мувофик равишда 85% ва 43% га пасайтиради.

QT интервални узайиши (масалан, прокаинамид, амиодарон, соталол).

«Пируэт» туридаги тахикардиянинг юқори хавфи.

Юрак гликозидлари.

Гипокалиемия сезувчанликни ошириши ёки дигиталис токсиклигига (масалан юрак қоринчаларини юқори таъсирчанлиги) юракнинг клиник жавобини ошириши мумкин.

Амфотерицин В (парентерал), кортикостероидлар, адренкортикотроп гормони (АКТГ), рағбатлантирувчи сурғи воситалари ёки глицирризин (лакрицада аниқланган).

Гидрохлоротиазид электролит мувозанати бузилишларини, асосан гипокалиемиyani кучайтиради.

Калийуретик диуретиклар (масалан, фуросемид), карбенексолол, сурғи воситалари (қўй қўллаш ҳолатларда).

Гидрохлоротиазид калий ва ёки магнийни йўқотилишини ошиши олиб келиши мумкин.

Прессор аминлар (масалан, адреналин).

Тиазидлар прессор аминларнинг таъсирига жавоб реакциясини пасайтириши мумкин, лекин ёндош қабул қилишни инкор этиш учун етарли даражада эмас.

Цитотоксик препаратлар (масалан, циклофосфамид, метотрексат).

Тиазидлар, шу жумладан гидрохлоротиазид, цитотоксик дори воситаларни буйрак орқали чиқарилишини камайтириши ва уларнинг миелосупрессив самараларини кучайтириши мумкин.

Простагландин-синтаза ингибиторлари.

Айрим пациентларда уларни қўлланиши диуретикларнинг диуретик, натрийуретик ва антигипертензив самараларини пасайтириши мумкин.

Подаграни даволаш учун қўлланиладиган воситалар (пробенецид, сульфинпиразон ва аллопуринол).

Сийдик кислотасини чиқарилишига ёрдам берувчи дори воситаларнинг дозасига тузатиш киритишга эҳтиёж туғилиши мумкин, чунки гидрохлоротиазид қон зардобиди сийдик кислотаси концентрациясини ошириши мумкин. Пробенецид ёки сульфинпиразоннинг дозасини ошириш зарурати туғилиши мумкин. Тиазидларни бир вақтда қўллаганда аллопуринолга нисбатан ўта юқори сезувчанлик ҳолатларини юзага келиш тез-тезлиги ошиши мумкин.

Салицилатлар.

Салицилатларнинг юқори дозалари қўлланган ҳолларда гидрохлоротиазид уларнинг марказий нерв тизимига токсик таъсирини кучайтириши мумкин.

Метилдопа.

Гидрохлоротиазид ва метилдопа бир вақтда қўлланганда гемолитик анемияни юз беришини алоҳида ҳолатлари тўғрисида хабар берилган.

Циклоспорин.

Циклоспоринни бир вақтда қўлланганда гиперурикемия кучайиши ва подаграга ўхшаш асоратлар хавфи ошиши мумкин.

Антихолинергик воситалар (масалан, атропин, бипериден).

Меъда-ичак йўлларининг моторикасини сусайиши ва меъдадан моддаларни чиқарилиш тезлигини пасайиши туфайли, тиазид туридаги диуретикларнинг биокираолишлиги ошади.

Бошқа антигипертензив воситалар.

Аддитив самара кузатилади.

Ангишвонагул гликозидлари.

Тиазид қабул қилиш билан индукция қилинган гипокалиемиа ёки гипомагниемиа ангишвонагул гликозидлари чақирган юрак аритмияларни ривожланишига олиб келиши мумкин.

Қон зардобидаги калий даражасини ўзгаришлари таъсир қилувчи дори воситалар.

Лозартан/гидрохлоротиазид, қон зардобидаги калий даражасини ўзгаришларига таъсир қилувчи дори воситалар (масалан, ангишвонагул гликозидлари ва антиаритмик дори воситалари), шунингдек «пируэт» туридаги тахикардияни (юрак қоринчалари тахикардиясини) чақирувчи қуйидаги воситалар (шу жумладан айрим антиаритмик воситалар):

- Ia синф антиаритмик воситалари (масалан, хинидин, гидрохинидин, дизопирамид);
- III синф антиаритмик воситалари (масалан, амиодарон, соталол, дофетилид, ибутилид);
- айрим антипсихотик воситалар (масалан, тиоридазин, хлорпромазин, левомепромазин, трифторперазин, циамамазин, сульпирид, сультоприд, амисульпирид, тиаприд, пимозид, галоперидол, дроперидол);
- бошқа препаратлар (масалан, бепридил, цизаприд, дифеманил, вена ичига юбориш учун эритромицин, галофантрин, мизоластин, пентамидин, терфенадин, вена ичига юбориш учун винкамин) билан бир вақтда қўлланганда, қон зардобида калий даражасини вақти-вақти билан назорат қилиш ва ЭКГ-текширувини ўтказиш тавсия қилинади, бунда гипокалиемиа «пируэт» туридаги тахикардияни ривожланиш хавфини омили ҳисобланади.

Кальций тузлари.

Тиазид диуретиклар қон зардобида кальций даражасини, уни чиқарилишини камайтириши ҳисобига ошириши мумкин. Кальций препаратларини буюриш зарурати туғилса, қон зардобида кальций даражасини назорат қилиб дозани танлаш керак.

Лаборатор тадқиқот натижаларига таъсири.

Кальций метаболизмига таъсир қилиши туфайли, тиазидлар қалқонсимон олди беши фаолиятини баҳолаш натижаларига таъсир қилиши мумкин («Махсус кўрсатмалар» бўлимига қаранг).

Карбамазепин.

Симптоматик гипонатриемиа хавфини ҳисобга олиб, клиник ва биологик мониторингни амалга ошириш лозим.

Йод сақловчи контраст воситалар.

Диуретиклар томонидан индукцияланган дегидратация ҳолларида, асосан йод сақловчи контраст воситаларнинг юқори дозалари қўлланганда ўткир буйрак етишмовчилигини ривожланиш хавфи ошади. Пациентлар йод сақловчи препаратлар юборилишидан олдин регидратацияга муҳтождирлар.

Ностероид яллиғланишга қарши препаратлар (НЯҚП), шу жумладан циклооксигеназа-2 (ЦОГ-2) нинг селектив ингибиторлари, ацетилсалицил кислотаси > 3 г/сут ва нонселектив НЯҚП.

НЯҚП бир вақтда қабул қилинганда, гидрохлоротиазиднинг антигипертензив самарасини сусайтириши ва унинг қон зардобидаги калий даражасига таъсирини кучайтириши мумкин.

Бета-блокаторлар ва диазоксид.

Тиазид диуретикларни, шу жумладан гидрохлоротиазидни бета-блокаторлар билан бир вақтда қўлланиши гипергликемия хавфини ошириши мумкин. Тиазид диуретиклар, шу жумладан гидрохлоротиазид диаксозиднинг гипергликемик самарасини кучайтириши мумкин.

Амантадин.

Тиазидлар, шу жумладан гидрохлоротиазид, амантадин томонидан чақирилган ножўя самаралар хавфини ошириши мумкин.

Махсус кўрсатмалар

Эналаприл ва гидрохлоротиазид

Артериал гипотензия ва электролитлар дисбаланси.

Симптоматик гипотензия кам ҳолларда асоратланмаган артериал гипертензияси бўлган пациентларда кузатилади. Эналозид® 12,5 қабул қилаётган артериал гипертензияси бўлган пациентларда артериал гипертензия масалан, диуретиклар билан даволаниш, тузни истеъмол қилиш чекланган, диализ, диарея ёки қусиш натижасида сув мувозанатини бузилиш бўлган пациентларга нисбатан кўпроқ риволанади. Бундай ҳолларда қон зардобида электролитлар даражасини мунтазам назорат қилиш лозим. Симптоматик артериал гипотензия кўпинча халқали диуретикларнинг юқори дозалари қўлланган юрак етишмовчилигининг оғирроқ кўринишлари бўлган пациентларда, гипонатриемияси бўлган ёки буйрак функцияси бузилишлари бўлган пациентларда кузатилган. Бундай пациентларда даволашни шифокор кузатуви остида бошлаш лозим.

Пациентларни жигар энцефалопатияси ёки жигар комасига индукция қилиши мумкин бўлган дегидратация, гипонатриемия, гипохлоремик алкалоз каби; диарея ёки қусиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган гипомагниемия ёки гипокалиемия каби сув ва электролитлар дисбалансини клиник белгиларига нисбатан текшириш керак. Бундай пациентларнинг қон зардобида электролитлар даражасини вақти вақти билан текшириш керак.

Юрак ишемик касаллиги ёки цереброваскуляр касалликлари бўлган пациентларни даволашга айниқса эътибор бериш керак, чунки артериал босимни ҳаддан ташқари пасайиши миокард инфарктига ёки инсультга олиб келиши мумкин.

Артериал гипотензия ривожланганда пациентни чалқанча ётқизиш ва агар зарур бўлса, вена ичига 0,9% ли натрий хлорид эритмасини юбориш керак. Транзитор артериал гипотензия суюқлик ҳажмини тиклаш ва артериал босим нормаллашганидан кейин давом эттириш мумкин бўлган даволаш учун препаратни қабул қилишда қарши кўрсатма ҳисобланмайди.

Юрак етишмовчилиги бўлган ва нормал ёки паст артериал босими бўлган айрим пациентларда препарат артериал босим даражаси қўшимча равишда пасайиши мумкин. Бундай реакцияни даволашни тўхтатиш учун асос деб баҳолаш керак эмас. Артериал гипотензия даволашга резистент бўлган ҳолларда, дозани пасайтириш ва/ёки диуретик ва/ёки Эналозид® 12,5 препарати билан даволашни тўхтатиш керак.

Ренин-ангиотензин-альдостерон тизимини (РААТ) (РААС) икки ёқлама блокадаси.

Икки ёқлама блокада (масалан, ангиотензин II рецепторларининг антагонистларига ААФ ингибиторлари қўшилганда) фақат артериал босимни, буйрак функциясини ва электролитлар даражасини синчков назорати керак бўлган алоҳида ҳолатлар билан чегараланиши лозим. Бир қанча тадқиқотлар вақтида, атеросклеротик касаллиги тасдиқланган, юрак етишмовчилиги ёки қандли диабетда нишон-аъзоларини шикастланиши бўлган пациентларда ренин-ангиотензин-альдостерон тизими икки ёқлама блокадаси, худди шундайларга нисбатан ренин-ангиотензин-альдостерон тизимига таъсир

этадиган бир препаратни қўллаганда, артериал гипотензия, ҳушдан кетиш, гиперкалиемия ва буйрак функцияси ёмонлашиши (шу жумладан ўткир буйрак етишмовчилиги) ни юқори учраш тезлиги билан боғлиқлиги ҳақида хабарлар бўлган. Қандли диабети ёки буйрак функцияси бузилиши (КФТ <60 мл/мин/1,73 м²) бўлган пациентларда алискирени бўлган эналаприл препаратни қўллаш мумкин эмас.

Буйрак фаолиятини бузилишлари.

Эналаприл чақирган буйрак функцияси бузилиши, айниқса оғир юрак етишмовчилиги ёки буйракнинг касаллиги, шу жумладан буйрак артериясининг стенози бўлган пациентларда тўғрисида хабар берилган. Агар ўз вақтида ташхис қўйилган бўлса ва эналаприл билан даволаш билан боғлиқ буйрак етишмовчилигида, мувофиқ даволашлар ўтказилганда, одатда қайтувчандир. артериал гипертензияси бўлган айрим пациентларда буйрак етишмовчилиги бўлмаганда, эналаприлни диуретик билан қабул қилган ҳолатларда қонда зардобиди сийдик кислотаси ва креатинин миқдорини ошиши кузатилади. Эналаприл дозасини камайтириш ва/ёки диуретиклар қабул қилишни тўхтатиш талаб этилиши мумкин. Бундай ҳолларда буйрак артериясининг стенози бўлиши эҳтимолини назарда тутиш керак.

Гиперкалиемия.

Эналаприл ва диуретикнинг кичик дозаларда мажмуаси гиперкалиемияни чақиритиши мумкин.

Литий.

Эналаприлни ва литийни бирга қўллаш одатда тавсия қилинмайди.

Кекса ёшдаги пациентлар.

Эналаприл малеати ва гидрохлоротиазиднинг бир вақтда қўллангандаги самарадорлиги ва ўзлаштираолиниши кекса ёшли пациентларда ҳам ва артериал гипертензияси бўлган ўрта ёшли пациентларда ҳам ўхшашдир.

Болаларда қўлланилиши.

Болаларда препаратни қўллаш бўйича самарадорлиги ва хавфсизлиги ўрганилмаган.

Эналаприл

Аортал ва митрал стеноз/гипертрофик кардиомопатия.

Барча вазодилататорлар каби ААФ ингибиторларни юракнинг чап қоринчасидан қонни чиқариш тешиги обструкцияси ва қонни оқиб чиқиш йўллари обструкцияси бўлган пациентларда эҳтиёткорлик билан буюриш керак; уларни қабул қилганда кардиоген шок ҳолларида ва гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли обструкция бўлган ҳолларда ААФ ингибиторларини қўллашдан сақланиш лозим.

Реноваскуляр гипертензия.

ААФ ингибиторларини қабул қилаётган, буйрак артериясининг икки томонлама стенози ёки ягона буйрак артериясининг стенози бўлган пациентларда, артериал гипотензия ривожланиш хавфи юқори бўлади. Ҳаттоки қон зардобиди креатинин даражасини озгина ўзгаришларида буйрак функцияси бузилишлари юз бериши мумкин. Бундай пациентларда даволашни дозага тузатишлар киритиб ва буйрак функциясини назорат қилиб, кичик дозалардан бошлаш керак.

Гемодиализ ўтказилаётган пациентлар.

Юқори ўтказиш хусусиятга эга (AN 69® каби) мембраналарни ишлатиш билан диализда бўлган ва бир вақтда ААФ ингибиторлари билан даволанган айрим пациентларда анафилактоид реакциялар ривожланган. Шунинг учун бундай пациентларда бошқа турдаги диализ мембраналарини ёки бошқа синф гипотензив препаратларини ишлатиш тавсия этилади.

Буйракни кўчириб ўтказиш.

Яқинда буйрак кўчириб ўтказилган пациентларда Эналозид® 12,5 дори воситасини қўллаш тажрибаси йўқ. Шунинг учун бундай пациентларни препарат билан даволаш тавсия қилинмайди.

Жигар етишмовчилиги.

Кам ҳолларда ААФ ингибиторларини қўлланиши холестатик сарикликдан бошланиб, жигар некрозигача ривожланувчи, баъзида ўлим билан яқунланувчи синдром билан кечган. Бу синдромнинг механизми номаълум. ААФ ингибиторлари билан даволанаётган пациентларда сариклик юз берган ёки жигар ферментлари даражасини сезиларли ошиши кузатилганда, қабул қилишни бекор қилиш ва тегишли тиббий ёрдамни олиш керак.

Нейтропения/агранулоцитоз.

ААФ ингибиторлари билан даволашлар олаётган пациентларда нейтропения/агранулоцитоз, тромбоцитопения ва анемияни пайдо бўлиши тўғрисида хабар берилган. Буйрак функцияси нормал бўлган пациентларда, махсус хавфли омиллар бўлмаганида нейтропения кам ҳолларда пайдо бўлади. Эналаприлни коллагенози бўлган пациентларда, иммуносупрессант даволашда, аллопуринол ёки прокаинамид билан даволанаётганда, айниқса буйрак функцияси бузилиши илгари тасдиқланган бўлса, жуда эҳтиёт бўлиб буюриш керак. Бундай пациентларнинг айримларида антибиотиклар билан жадал даволашга айрим ҳолларда жавоб бермаган жиддий инфекциялар ривожланган. Бундай пациентларга эналаприлни қўлланилганида лейкоцитлар сонини вақти-вақти билан назорат қилиш тавсия қилинади, пациентлар ҳар қандай инфекция белгилари тўғрисида хабар беришлари лозим.

Гиперкалиемия.

ААФ ингибиторлари, шу жумладан эналаприл билан даволанган айрим пациентларда қон зардобидида калий даражасини ошиши кузатилган.

Гиперкалиемияни ривожланиш хавфи буйрак етишмовчилиги, буйрак функцияси бузилишлари бўлган пациентларда, 70 ёшдан ошган пациентлар, қандли диабети бўлган пациентлар, транзитор ҳолатлар, хусусан, сувсизланиш, ўткир юрак декомпенсацияси, метаболик ацидоз ва калийни тежовчи диуретикларни (масалан, спиронолактон, триамтерен ёки амилоридни), озуқа қўшимчалари ёки калий сақловчи туз ўринбосарларини бир вақтда қўлланиши, шунингдек қон зардобидида калий даражасини ошишини чақирувчи бошқа препаратларни (масалан, гепаринни) қабул қилувчи пациентларда юқори.

Хусусан, калийни тежовчи диуретикларни, калийли қўшимчаларни ва калий сақловчи туз ўринбосарларини, буйрак функцияси бузилишлари бўлган пациентларда қўлланиши қон зардобидида калий даражасини аҳамиятли ошишига олиб келиши мумкин. Гиперкалиемия жиддий, баъзида летал аритмияга олиб келиши мумкин.

Агар эналаприлни ва юқорида кўрсатилган препаратлардан бирини ёндош қўллаш зарур деб ҳисобланса, уларни қон зардобидида калий даражасини мунтазам назорат қилган ҳолда эҳтиёткорлик билан қўллаш керак («Дориларнинг ўзаро таъсири» бўлимига қаранг).

Гипогликемия.

Қандли диабети бўлган, перорал антидиабетик препаратларни ёки инсулинни қабул қилаётган пациентларга, айниқса ААФ ингибиторлар билан даволашнинг биринчи оyi давомида синчков гликемик назорат зарур.

Ўта юқори сезувчанлик/ангионевротик шиш.

ААФ-ингибиторлари, шу жумладан Эналозид® 12,5 билан даволанган айрим пациентларда юз, қўл-оёқлар, лаблар, тил, товуш бойламлари ва/ёки хиқилдоқнинг ангионевротик шиши ҳолатлари кузатилган. У даволаш давомида исталган вақтда юзага келиши мумкин. Бундай ҳолларда Эналозид® 12,5 дори воситаси билан даволашни дарҳол тўхтатиш ва симптомларни тўлиқ йўқолишига ишонч ҳосил қилиш учун пациентнинг ҳолатини доимий кузатувини белгилаш керак. Ҳатто нафас дистресс синдромсиз фақат тилни шиши кузатилган ҳолларда ҳам, пациентнинг ҳолатини узоқ муддат давомида кузатиш лозим, чунки антигистамин препаратлар ва кортикостероид агентлар билан даволаш етарли бўлмаслиги мумкин.

Жуда кам ҳолларда хиқилдоқ ва тилнинг ангионевротик шишини ўлимга олиб келиши ҳақида хабарлар бўлган. Тил, товуш бойламлари ёки хиқилдоқнинг шиши пайдо бўлганда,

асосан нафас аъзоларининг операциясини ўтказган пациентларда нафас йўллариининг обструкцияси пайдо бўлиши эҳтимоли мавжуд. Бундай ҳолатларда шошилишч даволашларни қўллаш зарур, бу зудлик билан тери остига 1:1000 ли адреналин эритмасини (0,3–0,5 мг) юбориш ва/ёки нафас йўлининг эркин ўтказувчанлигини таъминлаш бўйича чораларини амалга оширишни ўз ичига олади.

ААФ ингибиторларини қўллаган негроид ирқига мансуб пациентларда ангионевротик шиш, бошқа ирқ вакилларига қараганда кўпроқ юз берган.

Илгари ААФ ингибиторларини қабул қилиш билан боғлиқ бўлмаган ангионевротик шиш юз берган пациентлар, ААФ ингибиторларини қўлланилишида ангионевротик шишни ривожланиш хавфи юқори бўлиши мумкин.

ААФ ингибиторлари ва mTOR ингибиторларини (сутэмизувчиларда нишон-рапамицин; масалан, темсиролимус, сиролимус, эверолимус) биргаликда қўлланилиши ангионевротик шишни ривожланиш хавфини ошириши мумкин.

Десенсибилизация ўтказувчи даволашда анафилактоид реакциялар

Баъзан ААФ ингибиторларини қабул қилган пациентларда, парда қанотлиларнинг захаридан олинган аллергенлар билан десенсибилизация ўтказилганда, ҳаёт учун хавфли анафилактик реакциялар ривожланган. Бунга ўхшаш реакциялардан, гипосенсибилизация муолажасини ўтказишни бошлашдан олдин ААФ ингибиторини вақтинчалик бекор қилиш йўли билан сақланиш мумкин.

Паст зичликдаги липопротеинлар (ЛПЗЛП) аферезида анафилактик реакциялар

ААФ-ингибиторларини қабул қилган пациентларда, декстран сульфати билан ЛПНП аферези муолажасини ўтказиш вақтида кам ҳолларда ҳаёт учун хавфли анафилактоид реакциялар юз бериши мумкин. Бундай реакциялардан, ҳар бир аферездан олдин ААФ ингибитори билан даволашни вақтинчалик тўхтатиб сақланиш мумкин.

Йўтал.

ААФ ингибиторлари билан даволаш вақтида йўтал пайдо бўлиши ҳақида хабарлар бўлган. Одатда йўтал курук, доимий бўлиб, препарат бекор қилинганидан тўхтайди. ААФ ингибиторлари билан даволаш билан боғлиқ бўлган йўтални, йўтални дифференциал диагностикасида ҳисобга олиш лозим.

Жарроҳлик операциялари/анестезия

Катта жарроҳлик аралашувлари вақтида ёки артериал гипотензияни чақирувчи воситаларни қўллаш билан ўтказилган анестезия вақтида, эналаприл ренинни компенсатор ажралиб чиқишига нисбатан иккиламчи ангиотензин II ни ҳосил бўлишини блоклайди. Агар юқорида келтирилган механизм натижасида артериал гипотензия ривожланса, уни суяқлик ҳажмини ошириш билан мувофиқлаштириш мумкин.

Этник фарқлар

Эналаприл гипертензияси бўлган негроид ирқига мансуб пациентларда артериал босимни пасайтиришда, бошқа ирққа мансуб пациентларга нисбатан камроқ самаралидир, бу эҳтимол, ушбу пациентлар қонида ренин даражасининг пастлиги билан тушунтирилади.

Гидрохлоротиазид

Буйрак функцияси бузилиши.

Тиазидлар буйрак функцияси бузилиши бўлган пациентларни, шунингдек кретинин клиренси минутага 30 мл ва ундан кам бўлганида (яъни ўртача ёки оғир буйрак етишмовчилигида) даволаш учун етарли самарали диуретиклар ҳисобланмаслиги мумкин.

Эналозид® 12,5 таблеткасини буйрак етишмовчилиги (креатинин клиренси <80 мл/мин) бўлган пациентларга, препаратнинг алоҳида компонентларини титрлаш ушбу препаратнинг дозасига етмагунча, буюриш керак эмас.

Жигар функцияси бузилиши.

Тиазидларни жигар функцияси бузилишлари ёки жигарнинг авж олувчи касалликлари бўлган пациентларга эҳтиёткорлик билан қўллаш керак, чунки сув ва электролит мувозанатининг хатто озгина силжишларида ҳам жигар комаси юз бериши мумкин.

Метаболик ва эндокрин самаралар.

Тиазидлар билан даволаш глюкозага толерантликни ўзгартириши мумкин. Антидиабетик препаратлар, шу жумладан инсулиннинг дозасига тузатиш киритиш талаб этилиши мумкин. Тиазидлар билан даволашда яширин қандли диабет авж олиши мумкин.

Тиазидлар қон зардобидида натрий, магний ва калийнинг даражасини пасайтириши мумкин. Холестерин ва триглицеридлар даражасини ошириши тиазид диуретиклар билан даволаш билан ассоциацияланиши мумкин, бироқ кичик дозаларни (12,5 мг) қўллаш давомида минимал самара тўғрисида ёки уни йўқлиги тўғрисида хабар берилган.

Тиазидлар кальцийни сийдик билан чиқарилишини камайтириши ва қон зардобидида кальцийни бироз ошишини чақириши мумкин. Яққол гиперкальциемия яширин гиперпаратиреоидизмнинг кўриниши бўлиши мумкин. Тиазидларни қўллашни қалқонсимон олди беши фаолияти юзасидан тестларни ўтказишдан олдин тўхтатиш керак. Тиазид диуретиклар билан даволаш айрим пациентларда гиперурикемияни ва/ёки подаграни зўрайишини чақириши мумкин. Бироқ эналаприл сийдикда сийдик кислотаси даражасини ошириши ва шу тариқа гидрохлортиазиднинг гиперурикемик самарасини сусайтириши мумкин.

Гарчи Эналозид® 12,5, қабул қилаётган пациентларга нисбатан ўтказилган назоратли клиник тадқиқотлардан олинган маълумотлар бўлмасада, уларда ҳам ва диуретиклар билан даволанаётган пациентларда ҳам қон зардобидида электролитлар даражасини мунтазам текшириб туриш керак.

Тиазидлар (шу жумладан гидрохлортиазид) суяқлик ва электролитларнинг дисбалансини (гипокалиемия, гипонатриемия ва гипохлоремик алкалоз) чақириши мумкин. Сув-туз баланси бузилишининг хавфли белгилари ксеростомия, чанқоқ, ҳолсизлик, летаргик уйку, уйкучанлик, толиқиш, мушак оғриқлари ёки тиришишлар, мушак кучсизлиги, артериал гипотензия, олигурия, тахикардия, меъда-ичак йўллари томонидан бузилишлар (кўнгил айланиши, қусиш) бўлиши мумкин.

Гарчи тиазид диуретикларни қўллаш давомида гипокалиемия юз берсада, эналаприл билан биргаликда даволашда, диуретикни қўлланиши оқибатида келиб чиққан гипокалиемияни камайтириши мумкин. Гипокалиемия хавфи жигар циррози бўлган пациентларда, диурези кучайган, электролитларни етарли даражада истеъмол қилмаётган пациентларда ва кортикостероидлар ёки адренкортикотроп гормон (АКТГ) билан бир вақтда даволанаётган пациентларда ошиши мумкин.

Иссиқ об-ҳавода шишларга мойиллиги бўлган пациентларда қонни суюлиши туфайли гипонатриемия юз бериши мумкин. Хлоридлар танқислиги одатда ўртача бўлиб, даволашни талаб этмайди.

Тиазидлар сийдик билан магнийни чиқарилишини оширади, бу гипомагниемияга олиб келиши мумкин.

Препарат қуйидаги лаборатор таҳлилларнинг натижаларига таъсир қилиши мумкин:

- препарат қон плазмасида оксил билан боғланган йод даражасини пасайтириши мумкин;
- препарат билан даволашни қалқонсимон олди беши фаолиятини баҳолаш юзасидан лаборатор текширишни ўтказишдан олдин тўхтатиш керак;
- препарат қон зардобидида эркин билирубиннинг концентрациясини ошириши мумкин.
- гидрохлортиазид антидопинг тестда ижобий натижа бериши мумкин.

Юқори сезувчанлик.

Аллергияга мойиллиги бўлган пациентларда ёки анамнезида бронхиал астмаси бўлган беморларда гидрохлортиазидга юқори сезувчанлик реакциялари юз бериши мумкин.

Тиазид диуретиклар қўлланганда тизимли қизил югурикни зўрайиши ёки фаоллашиши кузатилган.

Терининг немеланом раки.

Охирги икки фармакоэпидемиологик тадқиқотлар натижалари (датский умуммиллий манбалари, шу жумладан датский рак ҳолатлари бўйича реестри ва давлат белгиланган дорилар реестри маълумотларига кўра) шуни кўрсатадики, гидрохлоротиазидни қўллаш ва базал ҳужайрали карцинома ва ясси ҳужайрали карциномаларни юзага келиши орасида умумий дозага қарамлилик боғлиқлик мавжуд. Гидрохлоротиазиднинг фотосенсибилизацияловчи таъсири ушбу патологияни ривожланишига сабабчи бўлиши мумкин.

Гидрохлоротиазидни алоҳида қабул қилаётган ёки бошқа дори воситалари билан мажмуада қўллаётган пациентларни терининг немеланом раки ривожланиш хавфи ҳақида хабардор этиш керак ва уларга терида янги шикастланиш ўчоқлари мавжудлигига мунтазам текшириш, шунингдек мавжудларидаги ўзгаришларида ва терининг ҳар қандай шубҳали шикастланишлари ҳақида хабар бериш кераклигига тавсия этиш керак.

Терининг шубҳали шикастланишлари бўлганда биопсия орқали гистологик тадқиқотлар ўтказилади.

Пациентларга, куёш нурлари ва УФ- нурлари остида бўлишни чегаралаши, ва тери раки хавфини минимизацияси мақсадида куёш нурлари ва УФ- нурлари остида бўлганда тегишли ҳимоялардан фойдаланиш лозимлигини тавсия этиш керак.

Шунингдек, анамнезида тери раки бўлган пациентлар учун гидрохлоротиазидни қўллашни синчков қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Препаратнинг ёрдамчи моддалари юзасидан махсус эҳтиёткорликлар.

Эналозид® 12,5 лактоза саклайди. Галактоза етишмовчилиги, Лапп лактаза етишмовчилигининг ёки глюкозо-галактоза мальабсорбция синдроми бўлган пациентлар бу препаратни қабул қилмасликлари керак.

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланиши.

ААФ ингибиторларини ҳомиладор ва ҳомиладорликни режалаштираётган аёлларда қўллаш мумкин эмас.

Ҳомиладорликни режалаштираётган пациентларни ҳомила учун потенциал хавфи юзасидан хабардор этиш зарур, шунинг учун уларда ҳомиладорлик вақтида тасдиқланган қўллаш хавфсизлиги профилига эга муқобил антигипертензив даволашга ўтказиш керак. Агар ҳомиладорлик аниқланса, ААФ ингибиторлари билан даволашни дарҳол тўхтатиш, ва агар имкони бўлса муқобил даволашни бошланади.

Ҳомиладорликнинг I уч ойлиги давомида ААФ ингибиторларининг таъсиридан кейинги тератогенлик хавфи юзасидан эпидемиологик хулосалар бир тўхтамга келмаган, бироқ хавфни биров ошишини инкор этиб бўлмайди. Маълумки, ААФ ингибиторларини ҳомиладорликнинг II ва III уч ойликларида қўлланиши фетотоксикликни (буйрак фаолиятини пасайиши, олигогидрамнион, калла суягининг суякланишини кечикиши) ва неонатал токсикликни (буйрак етишмовчилиги, артериал гипотензия, гиперкалиемия) ривожланишини чақириши мумкин.

Агар ҳомиладорлик даврида ААФ ингибиторлари қўлланган бўлса, интраамниотик бўшлиқни баҳолаш учун вақти вақти билан ультра товуш текширувини ўтказиш керак. Бироқ шифокорлар ҳам пациентлар ҳам, олигогидрамнион ҳомилада қайтмас шикастланишлар пайдо бўлгандан кейин ривожланиши ҳақида билишлари зарур.

Агар ҳомиладорликнинг II уч ойлигида ААФ ингибиторлари қўлланган бўлса, эмбрион буйрак функцияси ва калла суяги ҳолатини текшириш учун ультра товуш текширувини ўтказиш тавсия қилинади.

Оналари ААФ ингибиторларини қўллаган янги туғилган чақалоқларни, артериал гипотензия, олигурия ва гиперкалиемия юз бериши юзасидан синчков текшириш керак. Эналаприл йўлдош орқали ўтиш қобилятига эга, янги туғилган чақалоқлар организмидан қисман перитонеал диализ йўли билан чиқариш мумкин; гарчи охирги ўтказилган муолажалар тажрибаси бўлмасада, теоретик уни қуйиш билан алмаштириш йўли орқали чиқариш мумкин.

Гидрохлортиазид

Ҳомиладорлик даврида, айниқса I уч ойлик даврида гидрохлортиазидни қўллаш тажрибаси чекланган. Ҳайвонларда ўтказилган тадқиқотлар етарли эмас.

Гидрохлортиазид йўлдош тўсиғи орқали ўтади. Гидрохлортиазидни ҳомиладорликнинг II ва III уч ойликларида қўлланиши ҳомила ва йўлдош ўртасидаги қон билан таъминланишига зарар келтириши ва ҳомилада ва янги туғилган чақалоқда сариқликни, электролит балансни бузилишини ҳамда тромбоцитопенияни чақириши мумкин.

Гидрохлортиазидни ҳомиладорларда шишлар ва артериал гипертензия ёки презклампсияни даволаш учун қўллаш мумкин эмас, чунки касалликни кечишига ижобий таъсири ўрнига, у плазма ҳажмини камайиши хавфини оширади ва бачадон-йўлдошнинг қон билан таъминланишини ёмонлаштиради.

Гидрохлортиазидни ҳомиладорлардаги эссенциал артериал гипертензияни даволаш учун қўллаш мумкин эмас.

Гидрохлортиазидни ҳомиладорларга қўллаш мумкин эмас.

Эмизиш даври

Эналаприл

Чекланган фармакокинетик маълумотлар препаратнинг кўкрак сутидаги концентрацияси жуда пастлигидан далолат беради. Гарчи бу концентрациялар клиник аҳамиятли бўлмасада, Эналозид® 12,5 препаратини чала туғилган чақалоқларни эмизиш даврида, шунингдек туғруқдан кейинги биринчи ҳафта давомида, юрак-қон томир тизимига, буйракка гипотетик жихатдан таъсир хавфи мавжудлиги, шунингдек етарли даражада клиник тажриба йўқлиги туфайли қўллаш тавсия этилмайди. Каттароқ ёшдаги болалар юзасидан, агар бундай даво она учун зарур бўлса ва бола нохуш реакцияларни юз бериши юзасидан шифокор кузатуви остида бўлса, эмизикли аёл томонидан Эналозид® 12,5 препаратини қўллаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиши мумкин.

Гидрохлортиазид

Гидрохлортиазид оз миқдорларда кўкрак сутига ўтади. Тиазидлар юқори дозаларда жадал диурезга олиб келади ва кўкрак сутини ишлаб чиқарилишини сусайтириши мумкин. Эналозид® 12,5 препаратини эмизиш даврида қўллаш тавсия қилинмайди. Агар Эналозид® 12,5 препарати эмизиш даврида қўлланса, унда унинг дозаси минимал бўлиши керак.

Автотранспортни ёки бошқа механизмларни бошқаришда реакция тезлигига таъсир этиш қобилияти.

Автотранспортни ва механизмларни бошқаришда бош айланиши ёки толиқишни юз бериши мумкинлигини унутмаслик керак.

Дозани ошириб юборилиши

Даволаш – симптоматик ва эришилган самарани бир маромда ушлаб турувчи даволаш ўтказилади. Препаратни қўллашни тўхтатиш ва пациентни синчковлик билан текшириш лозим.

Такдим этилган чораларга: агар препарат яқинда қабул қилинган бўлса, қусишни чақириш, шунингдек умум қабул қилган чора-тадбирлар ёрдамида сув ва электролит дисбалансини ва артериал гипотензияни мувофиқлаштиришни амалга ошириш лозим.

Эналаприл малеати. Дозани ошириб юборилишининг асосий кўринишлари, яққол артериал гипотензия бўлиб, у препаратни қабул қилгандан кейин тахминан 6 соатдан сўнг бошланади ва ренин-ангиотензин тизимининг блокадаси ва ступор билан кечади.

ААФ ингибиторларининг дозасини ошириб юборилиши билан боғлиқ симптомлар, циркулятор шок, электролит балансини бузилиши, ўпка гипервентиляция, тахикардия, тезлашган юрак уриши, бош айланиши, хавотирлик ва йўтални ўз ичига олиши мумкин.

Терапевтик дозаларда қабул қилганда эналаприлатни қон плазмасидаги максимал даражаларидан 100 ва 200 марта юқори даражалари, мувофиқ равишда 300 ва 440 мг эналаприл малеатини қабул қилингандан кейин қайд этилган. Артериал гипотензия юз

берганди, ангиотензин II ни ваёки катехоламинларни вена ичига юбориш зарурат туғилиши мумкин.

Дозани ошириб юборилишини даволаш учун физиологик эритмани вена ичига юбориш тавсия қилинади.

Терапевтик воситаларга резистент бўлган брадикардияда кардиостимулятор ёрдамида даволаш ўтказиш кўрсатилган.

Гидрохлоротиазид. Дозани ошириб юборилишини энг кўп симптомлари гипокалиемия, гипохлоремия, гипонатриемия ва хаддан ташқари диурез оқибатида келиб чиққан дегидратация ҳисобланади. Агар шунингдек дигиталис препаратлари қўлланилган бўлса, гипокалиемия юрак аритмия кўринишларини кучайтириши мумкин. Шунингдек дозани ошириб юборилишининг кўринишларига тахикардия, артериал гипотензия, шок, ҳолсизлик, онгни чалкашиши, бош айланиши, мушаклар спазми, парестезия, ҳолдан тойиш, эс-ҳушни бузилишлари, кўнгил айланиши, қусиш, чанқоқлик, полиурия, олигурия, анурия, алкалоз, қонда азот мочевино даражасини ошиши (асосан буйрак етишмовчилиги) киради.

Организмнинг ҳаёт учун зарур фаолиятларининг муҳим кўрсаткичлари, қон зардобидида электролитлар концентрацияси ва креатинин даражасини доимо назорат қилиш керак.

Чиқарилиш шакли

10 таблеткадан блистерда. 2 ёки 3 блистердан тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга кутида.

Сақлаш шароити

Оригинал ўрамида, 25°C дан юқори бўлган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

2 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи

«Фармак» ЖАЖ Украина, 04080, Киев ш., Фрунзе кўчаси, 63.

Ишлаб чиқарувчининг жойлашган жойи ва фаолият кўрсатаётган жойнинг манзили
Украина, 04080, Киев ш., Фрунзе кўчаси, 74.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доривор воситаларнинг сифати бўйича шикоятларни (таклифларни) қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили
"Фармак" ЖАЖ нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси.

100000, Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 39.

Тел./факс: 71 235-77-13, 71 235-67-05